

КИТОБХОНЛАР ҲАФТАЛИГИГА СТАРТ БЕРИЛДИ

10-15 апрель кунлари республикамизнинг барча худудларида «Китобсевар миллат» шиори остида III Республика «Китобхонлик ҳафталиги» ги бўлиб ўтади.

Туман Ахборот кутубхона марказида “Китобхонлар ҳафталиги”нинг очилиш тадбири бўлиб ўтди. Тадбирда умумтаълим мактабларининг кутубхона мудирлари ҳамда китобхон ёшлар иштирок этишди.

Туман маданият бўлимт ходимлари, болалар мусиқа ва санъат мактаби, 36-умумтаълим мактаби ўқувчилари ижросида янграган куй-кўшиқлар ва шеърлар тадбир иштирокчиларини мамнун этди. Туман ҳокими маслахатчиси Наргизахон Обидова ҳафта давомида ўтказилиши режалаштирилган тадбирларда барча таълим муассасаларидаги ўқувчиларни қамраб олиш ва фаол иштирок этишини таъкидлаб ўтди.

Барча китобсеварларни ушбу ҳафталиикда фаол бўлишга чорлаймиз.

ЁЗЁВПН ТУМАНИ ҲОКИМЛИГИ АХБОРОТ ХИЗМАТИ

2023-04-10 15:33:18